ДУНЁ: янгилик, ҳодиса, воқеаЛАР

## АТОМ ЭНЕРГИЯСИ БОРАСИДА ҲАМКОРЛИК

*Россия ва Миср ўртасида атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш борасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги ҳукуматлараро келишув имзоланди.*



Ҳужжат Атом энергияси бўйича давлат корпорацияси – "Росатом" бош директори Сергей Кириенко ва Миср энергетика вазири Аҳмад Ҳасан Юнус томонидан тасдиқланди. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳужжат нафақат икки мамлакат олимларининг ҳамкорлиги, балки Мисрда россиялик мутахассислар томонидан атом станцияси барпо этилиши учун ҳам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

## МАМЛАКАТ ТАРИХИДА БИРИНЧИ МАРТА

*Бутан қироллиги тарихида илк маротаба парламент сайловлари ўтказилди.*

Кўпчилик учун яхши таниш бўлмаган мазкур давлат Хитой ва Ҳиндистон чегарасида жойлашган. Эътиборлиси, бу мамлакат аҳолиси демократик сиёсий тадбирларга ҳеч қачон дуч келмаган.

Парламент сайловларида қатнашаётган икки партия вакиллари ҳам мамлакатда қашшоқликка барҳам беришни ваъда қилишмоқда. Сайлов натижаларига кўра шакллантириладиган Бутан парламенти қуйи палатаси эндиликда Қироликни Конституцион монархияга айлантириши лозим.

## ЭРОН КУЗАТУВЧИ, ҲОЗИРЧА

*"Press-uz.info" ахборот сайтида ёзилишича, Эрон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига қўшилиш ҳақида ариза топширган.*



Эрон маълум вақт ўтгач, ШҲТнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиши мумкин. Мамлакат ташқи ишлар вазири Манучеҳр Моттакининг журналистларга берган интервьюсида маълум қилинишича, тегишли ҳужжатлар аллақачон ташкилот котибиятига тақдим қилинган. Ҳозирги кунда Эрон ШҲТнинг кузатувчиси саналади.

2001 йил 15 июнда Шанхайда ташкил этилган ШҲТ ҳукуматлараро халқаро ташкилот бўлиб, Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон унинг тенг ҳуқуқли аъзолари, Ҳиндистон, Эрон, Покистон ва Монголия эса кузатувчи мақомига эга давлатлардир.

## ТЕЛЕФОН УЯЛИ АЛОҚАСИЗ!

*"Motorola" компанияси янги русумдаги смартфон техникасини яратмоқда.*

У худди сизнинг қўлингиздаги телефондай, аммо фарқи шундаки, смартфон уяли алоқаларсиз ишлайди! Қурилманинг номи Motorola TEAM (Total Enteprise Access and Mobility). Ушбу техника келгусида замонавий технология оламида янги даврни бошлаб бериши мумкинлиги айтилмоқда.



Motorola мутахассислари тизим қандай қилиб алоқасиз ишлаши мумкинлиги ҳақидаги маълумотни сир тутишмоқда. Шуниси аниқки, бундай техника билан кўпроқ коммуникация соҳасида фаолият олиб борувчи йирик корхона ва ташкилотлар қизиқиши мумкин. TEAM смартфон жорий йилнинг июнь ойида савдога чиқарилиши мўлжалланмоқда.

**Интернет хабарлари асосида Хуршид САМАДОВ тайёрлади.**

Шарҳ

# ИРОҚ: ТИНЧЛИК НАҚАДАР ЙИРОҚ

Ироқда АҚШ ва коалицион кучлар иштирокида ҳарбий операциялар бошланганига 5 йил бўлди. Айни шу вақт ичида маҳаллий аҳоли тинчлик-осойишталик нелигини билмади, минглаб ироқликлар ўз уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлишди.



2003 йил 19 мартдан бошланган ҳарбий амалиётларнинг дастлабки йилида 486 нафар америкалик аскар ва зобит ҳалок бўлган бўлса, кейинги йил бу рақам икки баробарга кўпайди. Умуман, шу вақтга қадар Ироқда олиб борилган урушларда 4 минг нафардан зиёд АҚШ ҳарбийлари ҳаётдан кўз юмган. Ироқликлар орасида қурбонлар сони эса бундан бир неча марта кўп.

Яқинда президент Жорж Буш ва миллий хавфсизлик вакиллари иштирокида илк маротаба Ироқдан ҳарбий аскарларни олиб чиқиш масаласи муҳокама қилинди. Шу пайтга қадар Оқ уй маъмурлари Ироқдаги ҳарбий фаолият муддатини узайтириш, ҳарбийлар сонини кўпайтириш лозимлигини қатъий таъкидлаб келишарди. Аммо эндиликда ҳукумат тепасидаги республикачилар бу билан минтақада тинчликни ўрнатиб бўлмаслигини тан олишган кўринади.

АҚШнинг собиқ давлат котиби Генри Киссенжер ўз вақтида Америка Ироқда ҳарбий ғалабага эриша олмаслиги, ҳукумат Ироқда тинчлик ўрнатишни истаса, минтақадаги мамлакатлар, жумладан, Эрон билан мулоқотга киришиши кераклигини айтганида, кўпчилик ватандошлари уни хушламай қўйишганди. Бироқ вақт ўтиб аён бўлдики, "биринчи рақамли мамлакат" халқаро майдондаги ҳарбий талотўплардан асосан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилди. Бу эса коалицияга бирлашган кучлар фаолиятига бўлган ишончни сусайтирди. Боз устига, АҚШ ўзининг яқин ва доимий иттифоқчиларидан ҳам юзхотир қилмай, куч ишлатиш сиёсатига зўр берди. Халқаро терроризм таҳдиди рўкач қилиниб, Афғонистондан сўнг Ироққа қарши уруш эълон қилинди.

Шундан сўнг "кўҳна қитъа"да Америкага нисбатан ишончсизлик кайфияти пайдо бўлди, жаҳон жамоатчилиги эса АҚШ билан қурилган дўстлик ва иттифоқчилик кўприги нақадар омонат эканига ишонч ҳосил қила бошлади. Ироқда оммавий қирғин қуроллари топилмагани, Саддам Ҳусайннинг "Ал Қоида" террорчилари билан тил бириктирмагани аён бўлди. Инсон ҳуқуқлари ва демократия тамойилларига риоя этишни бошқа мамлакатлардан талаб қилаётган Американинг бундай хатти-ҳаракатлари "Домланинг айтганини қилу, қилганини қилма" нақлидек бўлиб чиқди, гўё.

Ироқдаги беқарорликларга бир неча омиллар сабаб бўлмоқда. Энг аввало, ҳудудда Америка контингенти бирмунча кучайтирилган бўлса-да, улар мустаҳкам эмасдек туюлмоқда. Тобора кўпайиб бораётган йўқотишлар бутунлай бартараф этилмаётир. Масаланинг энг муҳим жиҳати, урушни якунлашга доир аниқ режа ҳамон мавжуд эмас.

Зукко мутахассислар Ироқдаги ҳарбий амалиётлар учун сарф этилаётган харажатларни ҳисоблаб чиқишган. Унга кўра, бир ойда минтақада барча ҳарбий амалиётлар учун 12,5 миллиард доллар маблағ сарфланмоқда. Конгресснинг ҳар иккала палатаси қўшма иқтисодий қўмиталари томонидан ўтказилган тадқиқотларда аниқланишича, Ироқ учун сарф этилаётган кунлик харажатларнинг ўзиёқ қўшимча равишда қашшоқ оилалардаги 58 минг болани "Head Start" мактаб таълими дастурига киритиш ёки 153 минг нафар талабага коллежга киришлари учун грант ажратишга етаркан. Бу маблағни оналар ўлимини камайтириш ва Африка болаларини турли касалликлардан қутқаришга сарфлаш ҳам мумкин эди. Қолаверса, АҚШ иқтисодий таназзул сояси остида қолаётгани кундалик хабарларда акс этмоқда. Америкаликлар уй-жойларидан, ишларидан, тиббий суғуртадан маҳрум бўлмоқда.

"Иқтисодиётдаги ҳозирги таназзул кўп жиҳатдан Ироқдаги уруш билан боғлиқ, – дея таъкидлайди иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати Жозеф Стиглиц. – У энг камида нефть нархининг кескин ошиб кетишига сабаб бўлди... Қолаверса, Ироққа сарфланган пул керакли самарани бермади. Бу маблағ мамлакат ичкарисида ишлатилганда кўпроқ фойда кўриларди".

Тўғри, ҳамма ҳам "бугунги Америка иқтисодиётидаги тартибсизликнинг асосий сабаби – Ироқ" деган фикрдан йироқ. Аммо ҳарбий соҳага неча-неча миллиард доллар сарфланаётгани нафақат АҚШ иқтисодиётига, балки хавфсизлигига ҳам дахл қилаётгани бор гап. Қолаверса, бу охирги сарф-харажатлар эмас.

Америкада 20-25 йил кейинги тараққиётни нисбатан тўғри башорат қила оладиган мутахассислар бор. Айнан улар томонидан бундан қарийб 20 йил аввал собиқ иттифоқнинг парчаланиши ҳақидаги башоратлар ўзини ҳаётда оқлади. Ҳозирги АҚШ ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар, яъни Ироқдан ҳарбий аскарларни "силжитиш" ҳаракатлари нафақат ушбу мамлакат сиёсатчилари, балки кўплаб хорижий давлатлар экспертлари томонидан ижобий баҳоланмоқда. Зеро, турли таҳликалардан чарчаган, урушлардан тинкаси қуриган ироқликларнинг ҳам тинч-фаровон яшашга ҳақлари бор.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**"Адолат" мухбири.**

Тошкентда Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси

# "SIRKEHI TASHTEKSTIL" ИШ БОШЛАДИ



*Корхона Германия, Италия, Япония сингари енгил ва тўқимачилик саноати ривожланган мамлакатлардан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Эътиборли жиҳати, қўшма корхона маҳсулотлари келгусида чет мамлакатларга ҳам экспорт қилиниши режалаштирилмоқда.*



*Наврўз нафаси билан фаолият бошлаган мазкур корхона ойига 200 тонна атрофида ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Дастлабки кезларда 100 нафар киши иш билан таъминланди. Тўла қувватга эришилгач, улар сони янада ортади.*

**Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.**

## САМАРАЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг кредит ресурсларига бўлган талабини тўлиқ қондириш орқали маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва экспортни рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори банкларнинг мазкур йўналишдаги фаолиятини янада жадаллаштиришга туртки бўлди. Шу боис, ўтган йили тижорат банклари томонидан хўжалик субъектларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида қарийб 2 триллион сўм сарфланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун берилган кредитлар эса 36 фоизга кўпайди. Хусусан, АТБ "Ғаллабанк" тизимида бу борада самарали лойиҳалар амалиётга тадбиқ этилди. Масалан, "Тўрткўлдонмаҳсулотлари" МЧЖга бир суткада 6070 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга тегирмон ускуналарини ўрнатиш учун 410 миллион сўмлик, "Қувадонмаҳсулотлари" корхонасига янги тегирмон ускуналарини модернизациялаш учун 300,0 миллион сўмлик инвестиция кредитлари ажратилди.

**Ғулом АЗИМОВ,**
**Тошкент Молия институти талабаси.**

Қарор ва ижро

# МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ – СИФАТ КАФОЛАТИ

**Инсон саломатлиги кўп жиҳатдан у истеъмол қилаётган маҳсулот сифатига боғлиқ. Бу эса ишлаб чиқарувчининг давлат меъёрлари талаби даражасида фаолият кўрсатиши билан белгиланади. Зеро, ҳар қандай турдаги озиқ-овқат маҳсулотининг мувофиқлик сертификати асосида истеъмолга чиқарилиши унинг сифатига кафолатдир.**

Қашқадарё синов ва сертификатлаштириш маркази "Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунлар ижроси юзасидан муайян ишларни амалга ошириб келаётир. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилингач, ишлаб чиқарувчилар, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига қатор қулайликлар яратилганлиги боис марказга мурожаат қилувчилар анча ошди.

Биргина ўтган йили сертификатлаштириш органига 772 та ариза тушди ва 1481 та мувофиқлик сертификати берилди. Жумладан, 296 та озиқ-овқат, 887 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига мувофиқлик сертификати берилгани ҳам вилоятда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, хусусий секторда фаолият юритувчилар кўпайиб бораётганидан далолатдир. Бундан ташқари "Косон ёғ-экстракция", "Яккабоғ", "Шаҳрисабз консерва" каби корхона маҳсулотлари ҳам сифати билан истеъмолчилар ишончини қозонмоқда.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, соҳага оид айрим қонунбузилишлар маҳсулот сифатига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Натижада сертификатланган маҳсулотнинг кейинги ҳолати юзасидан инспекцион назорат даврида ишлаб чиқариш технологиясига риоя қилмаслик, маҳсулотлар сифати меъёрий ҳужжат талабларига жавоб бермаслик, лабораториялар иш фаолияти қониқарсизлиги туфайли 19 та корхонага берилган мувофиқлик сертификатларининг амал қилиш муддати вақтинчалик тўхтатилган. Қолаверса, назорат органлари мурожаатига асосан ўтказилган синовларда қиймати 13635,8 минг сўмлик маҳсулот сифатсиз эканлиги аниқлангани ҳам истеъмолчиларни ҳушёрликка чорлайди.

– Марказимизнинг аккредитланган физик-кимёвий синов мажмуаси томонидан қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотларнинг синовларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда, – дейди марказ директори Акмал Ашуров. – Бундан ташқари юридик ва жисмоний шахсларга қулайлик яратиш мақсадида сертификатлаштириш идораси доирасини полимер ва болалар ўйинчоқларига кенгайтириш бўйича зарур ҳужжатлар тайёрланиб, аккредитациядан ўтказилди. Ўлчов воситалари устидан метрологик назорат бўлимининг аккредитация доираси 11 турга кенгайтирилгани ҳам мижозлар учун қўшимча хизматлар таклиф этилаётганидан далолатдир.

Айни пайтда синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан халқаро стандартлар ISO 9001:2000 сифат тизимини 3 та корхонада жорий этиш юзасидан мутахассислар амалий иш олиб бормоқдалар. Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг юқори сифат ҳамда рақобатбардошлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Матёқуб НАРЗИЕВ,**
**"Адолат" мухбири.**


«МАРКАЗГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ

ОГОҲЛАНТИРАДИ

ГАЗ УСКУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

ТАБИИЙ ГАЗ ТАРМОҚДАН ЎЧИРИЛГАНДА:

барча газ ускуналаридаги жўмракларни беркитинг.



ХОНАДА ГАЗ ҲИДИНИ СЕЗСАНГИЗ:



1. Газ плитасидаги ва газ қозонидаги жўмракларни беркитинг.
2. Дераза ёки эшикни очиб, хонани шамоллатинг.
3. Тезда авария диспетчер хизматига қўнғироқ қилинг.

04 ГАЗ ЧИҚИШИНИ БАРТАРАФ ҚИЛГУНГА ҚАДАР ҚУЙИДАГИЛАР МАН ЭТИЛАДИ:

1. Электр асбобларидан фойдаланиш.
2. Электр лампочкаларини ёқиш ва ўчириш.
3. Гугурт ёқиш ёки чекиш.
4. Газ плитасидан фойдаланиш.



Газ асбоб-ускуналаридан бехатар фойдаланиш ва уларни нормал иш ҳолатида сақлаш хонадон эгалари зиммасидадир.

Табиий газ ҳақини ўз вақтида тўлашни унутманг.

